

Саҳобаларга эргашайлик!



11:00 / 03.07.2022 2556

Шайх Шаъровий раҳимахуллоҳдан Ислому динини истехзо қилувчилардан бирининг мактубини ўқиган ёки ўқимаганлари ҳақида сўрашганда, шайх Шаъровий раҳимахуллоҳ «Ўқимадим ва ўқимайман ҳам!» дедилар. Одамлар у кишига «Қандай қилиб ўқимайсиз, ахир бу борада гаплар кўпайиб кетди-ку!» дейишганда, шайх Шаъровий раҳимахуллоҳ уларга Аллоҳ таолонинг мана бу оятини ўқиб берадилар:

أَوْبُ رُفُكَيْهِ لَلْإِيْتِ آيَاتُ مَسْ إِذْ أَنْ بَاتِكُمْ لَيْفٌ مُكَيِّلَ لَزَنَ دَقْوِ
إِذْ مُكَنَّ! وَرِيغِ ثِيْحِ يِ أَوْضُوحِي'ئِي حَمُوعَمِ أَوْدُعُوتِ أَلْفِ أَوْبُ أَرْهَتْ سُوِيْ
أَعْيَمَحَ مَنَهَجِ يِ نِيْرَفِ الْكُلِّ أَوْ نِيْقِ فِ أَنْ مَلْأَعْمَاجَ لَلْأَنْ إِ مْهُلُتْمِ

«Батаҳқиқ, сизларга Китобда: «Аллоҳнинг оятларини уларга куфр келтирилган ва уларни истехзо қилинган ҳолда эшитганингизда, бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан ўтирманглар», - деб нозил қилди. Албатта, у ҳолда (агар ўтирсангиз,) сиз ҳам улар кабисиз. Албатта, Аллоҳ мунофиқ ва кофирларнинг ҳаммасини жаҳаннамда жамловчидир» (Нисо сураси, 140-оят)

Қурайш кофирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва саҳобаи киромларни ёмонлаб қасидалар айтишарди. Бизга ўша қасидалар етиб келмаган. Чунки мусулмонлар (саҳобаи киромлар) у қасидаларни бир-

бирларига етказишмаган ва умуман эътибор беришмаган. Натижада қасидалар йўқолиб кетган. Биз ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Исломга нисбатан айтиладиган масхараомуз сўзлар тарқалишига ҳисса қўшиб қўймаслик учун (саҳобаларга ўхшаб) ўшандай сўзларга эътибор қилмаслигимиз керак.

Аллоҳ таоло севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, у кишининг аҳли байтларига, содиқ саҳобаларига чексиз салавот, салом, баракот ва дурудлар юборсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади